“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазири

_________ О. Назарбеков
2022 йил «04» апрель

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК
ЛОЙИҲАСИНИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ**

## I. Лойиҳанинг тавсифи

| | |
|---|---|
| Лойиҳанинг номи: | Маданият маркази ва нодавлат таълим муассасаси биносини қуриш |
| Тармоқ номи: | Маданият ва санъат |
| Лойиҳа тури: | Маданият маркази ва нодавлат таълим муассасаси лойиҳалаш, қуриш, жиҳозлаш, фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш |
| Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми | 3 925,7 млн сўмга 2 қаватлик маданият маркази ва нодавлат таълим муассасаси биносини қуриш ва 300 м2 майдонни ободонлаштириш |
| Давлат шериги: | Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги |
| Лойиҳа жойлашган жойи: | Самарқанд вилояти Иштихон тумани Митан шаҳарчаси А.Темур кўчаси. |

## II. Дастлабки танлов натижалари

| ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. |
|---|
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 26 апрель 2020 йилдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сонли Карорига асосланган Ўзбекистон Республикасида нодавлат таълим хизматларини янада ривожлантириш, инфратузилма объектларини қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш ишларини жадаллаштириш кўзда тутилган.<br>Хусусан, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, интеллектуал, маънан ва жисмонан баркамол авлодни шакллантиришни ҳамда ёшларга таълим беришни янги сифат даражасига кўтариш, шу жумладан, бошланғич таълим, чет тиллари, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби муҳим ва талаб юқори бўлган бошқа фанларни чуқурлаштириб ўргатиш ҳамда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш лойиҳанинг асосий мақсадлари сифатида белгиланган. Самарқанд вилояти Иштхон тумани А.Темур кўчасида жойлашган туман Маданият маркази ҳовлисида бўш турган ер майдонида давлат хусусий шериклик асосида Маданият маркази ва нодавлат таълим муассасаси ташкил этиш бўйича хусусий ташаббускор «BRILLIANT CHILDREN» нодавлат таълим муассасаси томонидан тайёрланган давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг ташаббуси тақдим этилган.<br>Лойиҳа аниқ ижтимоий (аҳолига сифатли таълим хизматларини кўрсатиш), иқтисодий ва инфратузилмавий вазифаларни (бошқа маиший хизматлар кўрсатиш учун замонавий бино қурилиши) муаммосини ҳал этишга қаратилган. |

## III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

<table>
<tr><td colspan="4">Қўшимча маълумотлар</td></tr>
<tr><td>1.</td><td colspan="3">Лойиҳанинг ЛБҲ/ТИА/ТИҲК мавжудлиги:<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.<br>Лойиҳа бўйича ҳужжатлар илова қилинади</td></tr>
<tr><td>2.</td><td colspan="3">Лойиҳа қуйидагилардан бирига киритилган бўлса:<br>Инвестиция дастури ☐<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори/ Вазирлар Маҳкамаси қарори ☒<br>Бошқа ☐<br>Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг:<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 январьдаги 30-сонли қарори</td></tr>
<tr><td>3.</td><td colspan="3">Хусусий шерик лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒</td></tr>
<tr><td>4.</td><td colspan="3">Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг:<br>– Самарқанд вилоят Иштихон туман аҳолисига сифатли ўрта таълим таълим хизматларини кўрсатиш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган аҳоли вакиллари учун жами ўқувчиларнинг 20% ига 50% гача миқдорида арзонлаштирилган чегирмали нархларда таълим хизматлари тақдим этиш.<br>– Ташкил этилаётган маданият маркази ва нодавлат таълим муассасасида концер-томоша ва маданий тадбирлар учун концерт-томоша биноси барпо этилиб, турли хилдаги чолғу ва рақс тугараклари ташкил этилади.<br>– Аҳолини ва ўқувчиларнинг умумий эхтиёжидан келиб чиқиб: умумий овқатланиш, хорижий тилларни ўқитиш, савдо-маиший хизмат кўрсатиш, сартарошхона ва бошқа пуллик хизматлар кўрсатилади.</td></tr>
<tr><td>5.</td><td>А) Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар суммаси (355 998,28 АҚШ долларида):<br>3 882,4 млн.сўм</td><td>Б) Эксплуатация харажатлари миқдори (4 152,26 АҚШ долларида):<br>45,3 млн.сўм</td><td>В) Умумий харажатлар<br>(360 150,54 АҚШ долларида):<br>3 925,7 млн.сўм<br>(03.03.2022 йил ҳолатига курс: 10900,25 сўм)</td></tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| | Г). ДХШнинг амал қилиш муддати: **30 йил**<br>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг:<br>3-10 ☐ 11-20 ☐ 21-30 ☒ >30 ☐ | Д) Лойиҳанинг амалга ошириш муддати: **1 йил**<br>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг:<br><10 ☒ 10-30 ☐ >30 ☐ |
| 6. | А). Лойиҳанинг даромад манбасини келтиринг (белги қўйинг):<br>Фойдаланганлик учун тўлов ☒<br>Эркин фойдаланилиши учун тўлов ☐ | |
| | Б) Фойдаланганлик учун тўлов/ Эркин фойдаланилиши учун тўлов<br>Фойдаланганлик учун тўлов:<br>120 нафар ўқувчиларга ойлик тўлов 600 минг сўмдан, йиллик даромад **720,0 млн.сўм.** *(Базавий ҳисоблаш миқдори оширилганда таълим хизматлари учун тўлов қиймати миқдори мос равишда ошириб борилади.)*<br>250 нафар ўқувчиларга фан курслари ва санъат тугараклари (тил ва компютер курслари, чолғучилик, рақс ва бошқалар тугараклар) хизматлари учун ойлик тўлов 150 минг сўмдан, йиллик даромад 375,0 млн. Сўм<br>Қўшимча фаолит<br>- Умумий овқатланиш (fast food) хизматларидан кунлик даромад 750,0 мин сўм йиллик даромад 234 000,0 минг сўм;<br>- Концерт - томоша тадбирлари ўтказиш зали ижараси (фаоллар зали, кинофкатция, лекторлар, журналистлар ва бизнес тадбирлари) кунлик даромад 350,0 минг сўм йиллик даромад 109,2 млн сўм;<br>- Тикувчилик хизмати кунлик даромад 500 минг сўм, йиллик даромад 165,0 млн сўм<br>- Канцтовар ва китоблар савдосидан кунлик даромад 500,0 минг сўм, йиллик даромад 156,0 млн сўм;<br>- Сартарошлик хизмати учун кунлик даромад 150,0 минг сўм, йиллик даромад 46,8 млн сўм.<br>Эркин фойдаланиш учун тўлов: | |
| | Даромадлар тақсимотини кўрсатинг:<br>Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов ☐<br>Қўшимча фойда тақсимоти ☐<br>- Концерт - томоша тадбирлари ўтказиш залидан турли тадбирлар (кинофкатция, лекторлар, журналистлар, бизнес ва бошқа тадбирлар) учун тўлов асосида кунлик фойдаланиш; | |
| 7. | А) ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг:<br>Давлат ташаббускори: ☐<br>Хусусий ташаббускор: ☒ | |

| 8. | Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Хавф ёки хатарлар турлари** | **Давлат шериги** | **Умумий** | **Хусусий шерик** | **Хатар тақсимоти асоси** | **Изоҳ** |
| | Лойиҳага тегишли хавф хатарлар | | | ● | | |
| | Дизайн ва технологиялар нинг эскириш хавфи | | | ● | | |
| | Яширин нуқсон хавфи | | | ● | | |
| | Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар | ● | | | | |
| | Молиявий хатар | | ● | | | |
| | Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган) | ● | | | | |
| | Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар<br>(аниқ бўлган) | | | ● | | |
| | Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар | | ● | | | |
| | Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритилган ўзгартиришлар (давлат шериги тарафидан) | ● | | | | |
| | Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар | | | ● | | |
| | Солиқ билан боғлиқ хатарлар | | | ● | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар | | | ● | | |
| | Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритилган ўзгартиришлар (хусусий шерик тарафидан). | | | ● | | |
| | Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари | ● | | | | |
| | Лицензия гувоҳномалар берилиши кечикиши | ● | | | | |
| | Хусусий шерикка келишилган товарларнинг кечиктирилиши | ● | | | | |
| | Сиёсий беқарорлик хатарлари | ● | | | | |
| | Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар | | | ● | | |
| | Мулк конфескацияси | ● | | | | |
| | Операцион хатарлар | | | ● | | |
| | Экологик / ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ) | | | ● | | |
| | Оператив фаолият билан боғлиқ хатарлар | | | ● | | |
| | Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар | | ● | | | |
| | Бошқа | | | ● | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 9. | Ҳар бир босқич учун тахминий / режалаштирилган санани кўрсатинг: | | | | | |
| | | | Сана | | | Сана |
| | а) | ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш | 2022 йил I-чорак | д) | Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш | 2022 йил I-II-чорак |
| | б) | Лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш (Масалан: тендер ҳужжатлари) | 2022 йил I-чорак | е) | Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш | Ғолиб аниқланган дан сўнг |
| | в) | Дастлабки малакани аниқлаш | 2022 йил I-чорак | ё) | Молиявий якунлаш | Битим кучга киргандан сўнг |
| | г) | Ғолибни саралаш | 2022 йил I-II-чорак | | | |
| 10. | Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ:<br>Мазкур лойиҳа доирасида давлат бюджетидан маблағ ажратилиши кўзда тутилмаган. | | | | | |
| 11. | Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганда, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқа бошқарув харажатлари киради.<br>Мазкур лойиҳа доирасида давлат бюджетидан маблағ ажратилиши кўзда тутилмаган. | | | | | |
| 12. | Агар ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида етказиб бериладиган товарлар (кўрсатиладиган ишлар/хизматлар) нархи давлат бюджетида белгиланган харажатлар сметасидан ошиб кетса, лойиҳани ДХШ механизми асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беринг:<br>*Маданият маркази ва нодавлат таълим муассасаси барпо этишда хусусий инвесторларни маблағларини жалб этиш орқали Давлат бюджети юкини камайтириш шунингдек, барпо этиладиган маданият маркази ва нодавлат таълим муассасаси хусусий шерик зиммасига юклатилиши натижасида давлатнинг бажарадиган ишлари камаяди.* | | | | | |

| | |
|---|---|
| 13. | Ташаббус қилинган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни / муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>**Иқтисодий самара:** 350 ўринли Маданият маркази ва нодавлат таълим массасаси биносини ДХШ лойиҳаси асосида қуриш ва жиҳозлаш натижасида 3 925,7 млн. сўмга тенг давлат бюджети маблағларини тежаш имконини беради.<br>**Ижтимоий самара:** Ҳар йили 24 нафар ижтимоий ҳимояга мухтож ўқувчилар ва кам таъминланган оила фарзандларига арзонлаштирилган нархларда таълим хизматлари тақдим қилинади.<br>**Инфратузилмавий самара:** 2 қаватдан иборат бўлган маданият маркази ва нодавлат таълим муассасаси биноси замонавий кўринишда, шаҳарсозлик нормаларига мувофиқ барпо этилади. |
| 14. | Ташаббус қилинган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒ |
| 15. | Ташаббус қилинган лойиҳа иннавацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул мутаносиб нафни таъминлаб берадими?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: |
| 16. | Ташаббус қилинган лойиҳа доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этиш назарда тутилганми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: |
| 17. | Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Самарқанд вилояти Иштихон тумани А.Темур кўчасида Иштихон туман Маданият маркази ҳудудидаги бўш турган 0,3 гектар ер майдони ажратилади. |
| 18. | а). Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.<br>Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. |
| | б). Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.<br>Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. |

| | |
|---|---|
| 19. | Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқарида) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг:<br>Сув таъминоти объектларини қуриш ☐<br>Газ таъминоти объектларини қуриш ☐<br>Электр таъминоти қурилмаларига уланиш ☐ Кириш йўллари ☐<br>Транспорт боғланиши ☐<br>Бошқа<br>Мазкур лойиҳа бўйича инфратузилмаларни яратиш ишлари, хусусан, сув таъминоти, газ таъминоти объектларини қуриш, электр таъминоти қурилмаларига уланиш, кириш йўлларини қуриш ва транспорт боғланишини таъминлаш хусусий шерик томонидан амалга оширилади. |
| 20. | Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:<br>Хусусий шерик - «BRILLIANT CHILDREN» Нодавлат таълим муассасаси;<br>Давлат шериги: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, |
| 21 | Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менеджери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг. |

| | |
|---|---|
| Масъул этиб тайинланган шахс | Маданият вазирлиги Инвестицияларни жалб қилиш ва маданий туризмни ривожлантириш бошқармаси |
| Ф.И.Ш. | Пўлатов Шоҳжаҳон Ғайратович |
| Лавозими: | Бош мутахассиси |
| Тел: | +998 55 502-33-77 (204) |
| Электрон почта манзили: | dxsh.madaniyat@exat.uz |

**"Киритилди"**
"BRILLIANT CHILDREN" НТМ
раҳбари

**З.А.Маманова**

м.ў.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI ISHTIXON TUMANI NODAVLAT TA'LIM MUASSASASI
BRILLIANT CHILDREN